

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ХУСУСИЙЛАШТИРИШ,
МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ ВА РАҚОБАТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

498 Биржа савдоларида суюлтирилган газни сотиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 17 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2508

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сонли «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 5-сон, 57-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Биржа савдоларида суюлтирилган газни сотиш тартиби тўғрисида низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Иқтисодиёт вазири

Г. САИДОВА

Тошкент.,
2013 йил 22 август,
43-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент.,
2013 йил 22 август,
78-сон

**Хусусийлаштириш, монополиядан
чиқариш ва рақобатни ривожлантириш
давлат қўмитаси раиси**

А. АБДУҲАКИМОВ

Тошкент.,
2013 йил 22 август,
01/19-26/11-сон

Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги,
Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш
ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмита-
сининг 2013 йил 22 августдаги
43, 78, 01/19-26/11-сон қарорига
ИЛОВА

**Биржа савдоларида суюлтирилган газни сотиш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 171-модда) ва Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сонли «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 5-сон, 57-модда) мувофиқ, суюлтирилган газни товар хом ашё биржалари (бундан буён матнда Биржа деб юритилади) томонидан ўтказиладиган биржа савдоларида сотиш тартибини белгилайди.

І боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда куйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

мижозлар — биржа савдоларида товарларни сотиб олиш ва сотишни амалга оширувчи савдо қатнашчилари;

котировка нархи — биржа савдоларининг бир куни учун Биржада ўтказилган савдо сессиялари натижалари бўйича аниқланган маҳсулотнинг ўртача нархи;

маҳсулот — ишлаб чиқариш ва фойдаланишнинг тасдиқланган моддий балансига мувофиқ биржа савдоларида сотиладиган, газ ва нефтни қайта ишлаш ва нефть кимё заводларида ишлаб чиқариладиган пропан-бутан фракцияларидан ташкил топган суюлтирилган углеводород газни;

сотувчилар — маҳсулотни биржа савдоларига қўювчи маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва бошқа ташкилотлар;

харидорлар — биржа савдоларида суюлтирилган газни тегишли ли-

цензиялар асосида қайта сотиш учун харид қилувчи Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган юридик шахслар;

битимлар реестри — Биржада ўтказилган савдо сессиялари натижалари бўйича биржа савдоларининг электрон тизимида шаклланган ва Биржа томонидан тасдиқланган битимлар рўйхати;

Ҳисоб китоб-клиринг палатаси (бундан буён матнда ХККП деб юритилади) — биржа битимлари бўйича клиринг, ҳисоб-китоблар ва ўзаро ҳисоб-китоблар ўтказилишини таъминловчи Биржанинг тузилмавий бўлини;

тўланган битимлар реестри — тузилган олди-сотди шартномаси бўйича мажбуриятларнинг тўлиқ қопланилишини таъминлайдиган миқдордаги пул маблағларининг харидорнинг ХККПдаги ҳисобварағига келиб тушганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

ўртача нарх — бир ҳафталик биржа савдолари натижалари бўйича аниқланган ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинадиган маҳсулотнинг ўртача нархи;

закалат — Биржада тузиладиган битимлар бажарилишини кафолатлаш учун харидорлар ва сотувчилар томонидан ХККПга киритилган пул маблағлари;

биржа аъзолари — Биржа томонидан белгиланган тартибда брокерлик ўрнини сотиб олган ёки олган юридик шахслар;

биржа савдолари электрон тизими — биржа аъзоларига республиканинг ҳар бир географик нуқтасидан аниқ вақт режимида узоқ масофадан туриб биржа савдоларида иштирок этиш имконини берадиган дастурий аппарат воситалари мажмуидан иборат глобал тақсимланган ахборот тизими.

2. Мазкур Низом талаблари суюлтирилган газни ишлаб чиқарувчи, уни биржа савдоларида сотувчи ва харид қилувчи ташкилотларга нисбатан татиқ этилади.

3. Мазкур Низомга мувофиқ биржа савдоларида сотиб олинган маҳсулотдан фақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланилади ва уни экспорт қилиш мумкин эмас.

4. Суюлтирилган газни сотиш биржа савдолари электрон тизимидан фойдаланган ҳолда биржа савдоларида реал вақт режимида амалга оширилади.

II боб. Суюлтирилган газ ҳажмларини шакллантириш ва уни сотиш

5. Маҳсулотни сотиш ҳажмлари ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Ҳайъати томонидан тасдиқланадиган тегишли моддий балансдан келиб чиқиб шакллантирилади.

6. Сотувчилар моддий баланслар бажарилишининг тасдиқланган чорак ва ойлик жадваллари асосида маҳсулотни биржа савдоларига қўйишнинг муддатли жадвалларини ишлаб чиқади ва Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишган ҳолда тасдиқлайди, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси мазкур жадвални Биржага етказди.

7. Сотувчи ҳар йили Биржа билан ўзаро фаолият тўғрисида шартнома тузади.

8. Савдолар ҳафтанинг иш кунларида ўтказилади.

9. Биржа савдоларининг ўтказилиши, биржа сессияларининг давомийлиги, сотувга қўйиладиган маҳсулот ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар харидорларга Биржа аъзолари ва Интернет тармоғи орқали етказилади.

10. Биржа барча савдо иштирокчиларига, уларнинг республиканинг қайси ҳудудида жойлашганлигидан қатъи назар, биржа савдоларида бир вақтда иштирок этиш имконини таъминлаб бериши лозим.

11. Савдоларни ўтказиш закат суммасига мувофиқ ҳар бир савдо бўйича иштирокчиларни киритиш ва четлатиш, электрон биржа савдолари голибларини аниқлаш ва битимларни рўйхатдан ўтказиш электрон биржа савдолари тизими орқали амалга оширилади.

12. Битимни рўйхатдан ўтказиш кунни Биржа сотувчининг брокерига битимлар реестридан тасдиқланган қўчирмани, сотувчи ва харидорнинг брокерларига биржа савдоларининг электрон тизимида шаклланган намунавий олди-сотди шартномасини расмийлаштириш учун тақдим этади.

13. Олди-сотди шартномаси битимда назарда тутилган шартларда у олинган кунда расмийлаштирилади. Шартномани расмийлаштириш учун харидор ўз брокерига лицензиясининг нотариал тасдиқланган нусхасини тақдим этади.

14. Биржа савдоларида сотилмай қолган маҳсулот ҳажмлари кейинги биржа савдоларига қўйилади. Сотувчилар маҳсулотни тўғридан-тўғри шартномалар бўйича фақат биржа савдоларига қўйилган вақтдан бошлаб бир ой мобайнида сотилмаган ҳажмларда олдинги ҳафтадаги биржа савдолари натижаларида вужудга келган ўртача нархлар бўйича сотиши мумкин.

15. Биржада кўрсатиладиган хизматлар учун тўланадиган ҳақ миқдори Биржа томонидан белгиланади.

16. Олди-сотди шартномалари бўйича маҳсулотни юклаб жўнатиш тўловни олдиндан тўлиқ тўлаш шarti билан амалга оширилади.

17. Харидор томонидан шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, сотувчи маҳсулотни қайта биржа савдоларига қўяди.

III боб. Маҳсулот нархларини аниқлаш ҳамда ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш

18. Маҳсулотни биржа савдоларига қўйишнинг бошланғич нархи сотувчи томонидан декларацияланадиган нархида (монополист корхоналар учун) ёки улгуржи сотиш нархида (бошқа корхоналар учун) белгиланади.

Биржа савдоларида маҳсулотнинг бошланғич нархидан ошиши ҳисобидан қўшимча олинadиган даромади сотувчининг ихтиёрида қолади.

19. Биржа савдоларида тузилган битимлар бажарилишининг молиявий кафолатини таъминлаш учун биржа савдоларида тузилган битимлар бўйича ҳисоб-китоблар ҲККП томонидан амалга оширилади.

Бунда ҲККП томонидан Биржага хизмат кўрсатувчи банкда харидорлар

ва сотувчиларнинг маблағларини сақлаш ва биржа битимлари бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширишга хизмат қиладиган иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи очилади. Иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи Биржанинг иккиламчи депозит ҳисобварағини очиш тўғрисидаги аризасига мувофиқ Биржага хизмат кўрсатувчи банкда очилади.

20. Сотувчилар ва харидорларнинг иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағидаги маблағларининг ҳаракатини назорат қилиш учун ҲҚКП томонидан ҳар бир сотувчи ва харидорга уларнинг шахсий рақамига мос келувчи шахсий ҳисобварақ очилади ва уларнинг маблағлари ҲҚКПнинг иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағида ҳисобга олинади.

21. ҲҚКП миқдорнинг сўровига асосан унга хизмат кўрсатиш шартлари ҳамда унинг қолган пул маблағлари тўғрисида ахборот бериши шарт. Ушбу ахборотларни ҲҚКП томонидан учинчи шахсларга ошкор этиш тақиқланади.

22. Биржа миқдорнинг сўровига асосан, биржа клиринги натижалари, унинг пул маблағлари ҳолати ва савдоларнинг жорий кунда пул маблағларининг белгиланган лимитлари тўғрисида хабардор қилиши шарт.

23. Сотувчи ва харидорлар томонидан ҲҚКПнинг иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига биржа савдоларига қўйиладиган маҳсулотнинг умумий қийматининг ва мўлжалланаётган битим баҳосининг 10 фоизигача бўлган миқдорда зақалат қўйилади.

Бунда харидорлар зақалатни ҳисобга олган ҳолда тўлаш мўлжалланаётган маблағ ҳажмида битимлар тузишга ҳақлидир.

24. Сотувчилар ва харидорларнинг ҲҚКПнинг иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағидаги маблағларидан:

сотувчи ва харидорнинг топшириғига асосан, биржа битимлари бўйича мажбуриятларни бажариш учун улар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишда;

депонентга қўйилган маблағлар ҳисобидан Биржа хизматларига ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширишда фойдаланилади.

25. Биржа битими рўйхатга олинганидан сўнг, харидор тузилган олди-сотди шартномасига асосан беш иш куни ичида моливий мажбуриятларни тўлиқ қоплаш учун ҲҚКПнинг иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига зарур пул маблағларини ўтказиши лозим.

26. ҲҚКП маблағ келиб тушгандан сўнг, кейинги иш кунидан кечиктирмасдан сотувчига маҳсулотни харидорга етказиб бериши учун тўланган битимлар реестрини тақдим этиши шарт.

27. ҲҚКП томонидан тақдим этилган тўланган битимлар реестри сотувчининг маҳсулотни харидорга жўнатиши учун асос бўлади.

Сотувчи маҳсулотни харидор ўзининг олди-сотди шартномасида назарда тутилган мажбуриятларини бажарганлиги фактини ҲҚКП томонидан тасдиқлатмасдан жўнатган тақдирда, рўйхатдан ўтказилган олди-сотди шартномаси бўйича харидор томонидан мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун Биржа жавобгар бўлмайди.

28. Маҳсулотнинг жўнатилганлиги ва қабул қилиб олинганлиги харидор томонидан имзоланган юк ҳужжатлари (счёт-фактура ёки юк хати) би-

лан тасдиқланади. Маҳсулот темир йўл транспорти орқали жўнатилганда, маҳсулотнинг жўнатилганлиги счёт-фактура илова қилинган темир йўл юк хати ёки квитанцияси билан тасдиқланади.

29. Сотувчининг мазкур Низомнинг 28-бандида назарда тутилган ҳужжатларнинг тақдим этиши ХҚКП томонидан сотувчининг унга хизмат кўрсатувчи банкдаги ҳисобварағига пул маблағларини ўтказиши учун асос бўлади.

30. Маҳсулотни харидорга жўнатиш олди-сотди шартномасида белгиланган муддатларда ва шартларда сотувчининг нарядлари бўйича амалга оширилади.

IV боб. Ахборот тақдим этиш

31. Биржанинг котировка ҳайъати ўтказилган биржа савдолари натижалари бўйича биржада сотилган маҳсулотларнинг котировка нархини аниқлайди. Биржа уларни ҳар ҳафта оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғи орқали эълон қилиб боради.

32. Сотувчилар ҳар ойнинг 3-кунидан кечикмай Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига олдинги ойда биржа савдоларига қўйилган ва сотилган маҳсулот ҳажми тўғрисидаги ахборотни тақдим этади.

33. Биржа ҳар куни Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига қўйилган маҳсулотнинг ҳақиқий ҳажми, тузилган битимлар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек ҳар ҳафтада — биржа савдолари натижалари бўйича шаклланган ўртача нархлар тўғрисидаги ахборотни тақдим этади.

V боб. Томонларнинг жавобгарлиги ва низоларни ҳал этиш

34. Харидор томонидан олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда зарур пул маблағларининг тўлиқ ҳажмда ўтказилиши таъминланмаса, ХҚКП олди-сотди шартномасида белгиланган муддат ўтгандан сўнг, бир иш куни ичида сотувчи ва Биржага битим бекор қилинганлиги тўғрисида хабар беради ва ўша куннинг ўзида шартнома шартлари бажарилмаганлиги учун Биржанинг воситачилик ҳақини чегириб қолган ҳолда закатат миқдоридан кам бўлмаган миқдордаги пул маблағини сотувчининг ҳисобварағига ўтказиб беради.

35. Сотувчи томонидан олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда маҳсулотни юклаб жўнатиш бўйича мажбуриятлар бажарилмаса, олди-сотди шартномасида белгиланган муддат ўтгандан сўнг, бир иш куни ичида Биржанинг воситачилик ҳақини чегириб қолган ҳолда закатат миқдоридан кам бўлмаган миқдордаги пул маблағини харидор ҳисобига ўтказиши ҳамда битим бекор қилинганлиги тўғрисида харидор, сотувчи ва Биржага хабар қилади.

Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, томонларнинг ўз мажбуриятларини бажармаганликлари сабабли битимларни бекор қилиш ва жарима

сифатидаги пул маблағини сотувчи ёки харидорнинг ҳисобига ўтказиш бўйича қарор Биржанинг ҳакамлик комиссияси томонидан қабул қилинади.

36. Биржа битими ХККП томонидан олди-сотди шартномаси шартларига мувофиқ ёпилади. Битим ёпилиши билан олди-сотди шартномаси шартларини бажарилишини кафолатлаш бўйича Биржа мажбуриятлари бажарилган ҳисобланади.

37. Бекор қилинган битим бўйича маҳсулот ҳажми сотувчи томонидан мажбурий тартибда қайта биржа савдоларига қўйилади.

38. Биржа, унинг аъзолари ва мижозлари, биржалар фаолиятини тартибга солувчи ваколатли органлар ўртасида юзага келадиган низолар суд томонидан ҳал қилинади.

39. Биржа аъзолари, биржа савдоларининг иштирокчилари ва уларнинг мижозлари ўртасида биржа савдоси қоидаларида назарда тутилган масалалар юзасидан келиб чиқадиган низолар Биржанинг ҳакамлик комиссияси ёки суд томонидан ҳал қилинади. Низоларни кўриб чиқиш учун ҳакамлик комиссияси томонидан йиғим ундириш тақиқланади.

VI боб. Яқуний қоидалар

40. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

41. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки, «Ўздавнефтгазинспекция», «Ўзбекнефтгаз» МХК ва «ЎзРМХБ» ОАЖ билан келишилган.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

2013 йил 19 август

«Ўздавнефтгазинспекция» бошлиғи

Ш. МАХМУДОВ

2013 йил 19 август

*«Ўзбекнефтгаз» МХК
бошқарув раиси*

Ш. ФАЙЗУЛЛАЕВ

2013 йил 19 август

*«ЎзРМХБ» ОАЖ
бошқарув раиси в. б.*

А. НАГАЕВ

2013 йил 19 август